

Имом Ғаззолий ёзади: “Кимки куч ва ғайратини ҳирс ва жисмоний лаззатларга сарфлаб молдай еб-ичишдан қаноат топса, бундай кимса ҳайвон тоифасига мансубдир. Чунки у ҳўкиздай бефаҳм, чўчқадай очкўз, ё ит каби залил, туядек киндор ёхуд қоплон сингари йиртқич, тулки янглиғ айёр ва ҳийлакор бўлади. Бундай бўлмаган тақдирда ҳам у мазкур жонзотларга хос хусусиятларни нафсида жамлаган шайтонга айланади”.

Иброҳим ҲАҚҚУЛ АНОСИРИ АРБАЪА: МОҲИЯТ ВА ШЕЪРИЙ ТАЛҚИН

Алишер Навоийнинг 525 йиллигига



Шарқ тасаввуфи, сўфийлик адабиёти ва фалсафасидаги олам ва одамнинг илк яратилишига доир фикр-мулоҳазалар бир изчилик билан ўқиб, ўрганилса, оламнинг яралишига нисбатан уларнинг одамни яралиши ҳақидагилари қизиқарли ва таъсирлироқ эканлигига ҳеч шубҳа қолмайди. Афсуски, одам тасаввури миф, афсона, ривоят, нақллар билан йўғрилган қадим тарихидан йироқлашиб, маънавий-руҳоний ҳаётининг яқрашувига аллақачон кўникиб бўлган. Ўзининг “хусусий” қизиқиш оламига соҳиб бўлмаса, инсоннинг ташқи дунё ҳамда аҳли дунё билан алоқаси қиёфасизликдан бошқа бир нимани акс эттирмайди. Чунки кўпчиликда фақат “мен”и шаклланган кишига нисбатан кучли қизиқиш уйғонади. Акс тарзда Алишер Навоий айтган мана бу фикрга амал айлашга тўғри келади:

*Замону аҳли замонни зинҳор кўрма хошок бирла хасча,
Ки, оламда олам аҳли доно қошида безътибор бўлғай.*

Бундай кескин ҳукм чиқарилишига сабаб нима эди? Одамнинг ўзлигини англаш мақомидан ниҳоятда пастлаб, қуллик, қарамлик ва тубанликдан ҳузурланишидир.

Имом Ғаззолий ёзади: “Кимки куч ва ғайратини ҳирс ва жисмоний лаззатларга сарфлаб молдай еб-ичишдан қаноат топса, бундай кимса ҳайвон тоифасига мансубдир. Чунки у ҳўкиздай бефаҳм, чўчқадай очкўз, ё ит каби залил, туядек киндор ёхуд қоплон сингари йиртқич, тулки янглиғ айёр ва ҳийлакор бўлади. Бундай бўлмаган тақдирда ҳам у мазкур жонзотларга хос хусусиятларни нафсида жамлаган шайтонга айланади”.

Асрлар, давр ва замонлар ўзгариб, одамийлик баҳсидаги фикрлар авлодлар томонидан давом эттирилган. Бироқ одам табиатида ижобий эврилиш китобларда ёзилгани қадар бўлмаган. Ғарблик психологларида бирининг мана бу сўзлари ҳам ҳар қалай буни тасдиқлайди: “Тасаввуф психологиясига кўра, инсонларнинг жуда катта қисми инсон қиёфасида кўринса ҳам, аслида ичи ҳар хил жонзот билан тўлган ҳайвонот боғининг худди ўзидир”.

Бунақа аҳволда инсон ўзининг асл қиёфасини таний оладими? Таниса қай йўсинда танийди? Тасаввуфни теран ўрганган бошқа бир ғарблик олимнинг таъкидига кўра, “Инсонда ўзига хослик йўқдир. У яхлит ва қудратли “Мен”дан махрум эрур. Инсон кўплаб майда “мен”лар билан парчаланиб ташланган... Ўзининг ҳолатидан у қўрқувга тушмас экан, ўзи тўғрисида ҳеч нима билмайди” .

Инсон шахсиятининг майдалашиб, турли-туман зиддиятлар гирдобига чўкиши энг аввало уммаҳот аталмиш тўрт унсур “занжир”ларига боғланиб қолишидадир.

Хожа Аҳмад Яссавийнинг хуросонлик муриди Ҳожи Бектош вали шу хусусда тўхталиб бундай дейди: “... Оллоҳ инсонни уч хил қаронғуликдан яратиб, уч хил мавжудлик билан мунаввар этган. Биринчиси, чор унсур: тупроқ, сув, ҳаво ва олов бўлиб ақл нури билан равшанлаштирилган. Иккинчиси, жаҳолат зулмати бўлиб, илм нури билан ойдинлаштирилган. Учунчиси, нафс қаронғулиги бўлиб, маърифат нури билан ёриштирилган” . Чор унсур қаронғулигини мунавварлаштирадиган ақл оддий, яъни ақли маош эмас, балки ақли қуллдир. Хўш, унсурнинг ўзи нима?

Муҳийддин ибн Арабийнинг маълумотига кўра, унсур аслида табиатнинг суратларидан бир сурат бўлиб, “аносир устидаги нарса билан ундан туғилган нарса ҳам табиатнинг суратларига мансубдир. Аносир устидаги борлиқлар эса етти кўкдан ҳам юқсақдаги илоҳий руҳлар ҳисобланади”. Буюк мутасаввифнинг таъкидлашича, “Инсон унсурга мансуб яратиларнинг энг олийсидир. Демак, одамнинг рутба ва даражаси наинки заминда, балки самода яшайдиган малакларнинг барчасидан ҳам устун эрур” .

Мана шунинг учун ҳам одам ўзининг унсурлик хусусияти, сифати ва ҳақиқатларини тўғри тушуниш, имкон қадар кенг миқёсда тасаввур айлашга уринмоғи зарур. Шу маънода тасаввуф ва тасаввуф адабиёти инсонга бир муаллимлик хизматини адо этган деса асло хато бўлмайди.

Машҳур мутасаввиф шоир Юнус Эмронинг “Рисолат ун-нусхия” (“Ўғит ва насиҳат рисоласи”) асарида баён этилишича, Оллоҳ таоло одамни дунёга келтиришдан аввал тупроқ, сув, шамол ва оловни бино қилиб, шуларнинг бирлигидан яралган инсон вужудига жон киритибди:

*Суратга жон кирмоя фармон бўлди,
Подшоҳ амри унга дармон бўлди.*

*Суратга жон кириб пурнур айлади,
Суратдан жонни масрур айлади .*

Тупроқдан инсонга тўрт сифат – сабр, ҳаё, таваккул ва макрумот пайдо бўлган. Сувдан эса тўрт турли ҳол – сафо, саҳо, лутф ва висол юзага келган. Шамол тўрт ҳавас: ёлғон, риё, шошқинлик ва нафсга асос бўлган. Оловдан эса шахват, кибр, тама ва ҳасад туғилган. Одам ўзида ана шу зиддият, азалий ихтилоф бирлигини акс эттиради. Инсон табиати ва қисмати шу боис ҳам ғавқулдда мураккаб ва сирли. Шунинг учун унга баҳо бериб, ҳар турли эҳтиёж ва мақсадлар юзасидан уни шарафлаганда ҳеч қачон умумий таъриф, кўп чайналган тавсифларга ён бермаслик керак. Чунки худди шундай саёзлик ва яқранглик Шарқ адабиётини ҳаётдан, оддий халқ аҳволидан йироқлаштириб, китобийликка кўниктирган офатлардан бири бўлган.

Алишер Навоий ғазалларидан бирида бундай дейди:

*Сунъидин кўргилки мундоқ тўрт зид,
Бўлиб инсон хилқатида муттаҳид.*

“Тўрт зид” – моҳият эътибори билан бир-бирига тескари ўша тўрт унсур. Уларга “аносири арбаъа”, “аносири чаҳоргона”, “илк яратилиш ҳақиқати” ҳам дейилган. Навоий ўқувчи тасаввурини ниҳоятда олис тарихга қаратиб, инсон хилқатида муқим ўрнашган “тўрт зид”ни унинг яралишидан асло ажратмаслик зарурлигини таъкидлаган. Аслида инсонни билиш ва тушунишнинг таянч нуқтаси ҳам худди шудир. Бунинг ёрқин исботини Муҳаммад Фузулийнинг қуйидаги рубойи орқали ҳам далиллаш мумкин:

*Мажнун ўда ёнди шуълаи оҳи-ла пок,
Вомиқ суя ботди – ашқдин ўлди ҳалок.
Фарҳод ҳавас-ла ела верди умрин,
Хок ўлдилар алар, манам энди ул хок.*

Бу тўртликни ўқиб, беихтиёр номлари тилга олинган ошиқларнинг ҳолати ва толеини ўйлаб қоламиз. Улардан бири ишқ оловида гуриллаб ёнган: “Мажнун ўда ёнди шуълаи оҳи-ла пок”. Иккинчиси, кўз ёши тўка-тўка сувга чўкиб ўлган: “Вомиқ суя ботди – ашқдин ўлди ҳалок”. Учинчиси, ҳавасдан умрини шамолга совирган: “Фарҳод ҳавасла ела верди умрин”.

Туркийгўй шоирлардан бири:

*Хок бўлки Худо мартабангни айлағай олий,
Тожи сари оламдир улким хоки қадамдир,*

дейди. Фузулийнинг лирик қаҳрамони, “хок” бўлганлигини урғулаганда “хок бўлиш – пок бўлиш”, хоксорлик – тавозе ва ошиқлик камоли каби маъниларни ҳаёлга сақлаган ҳолда, ошиқми, ориф ёки дарвешми, ким бўлишидан қатъий назар, инсон вужуди аносири арбаъаадан таркиб топгани боис, албатта у фаноликка маҳкумдир деган ғояни илгари сурган. Лекин қизиғи ва муҳими бошқа. Яъни рубойида кўзланган бош ҳақиқат унинг ботинида беркитилгани. Оламнинг моддий асосини ташкил қилган тўрт унсурни Низомий Ганжавий “тўрт гавҳар” деб атаydi. Фузулий эса айни ҳақиқат ва фалсафий тушунчани образга “ўраб” шундай моҳирлик билан талқин этадики, гап аносири арбаъа тўғрисидалигини кўпчилик ҳаёлга ҳам келтиролмайди.

“Шуни билмоқ лозимки, – дейди Имом Ғаззолий, – инсон аслан яратилишида илмдан маҳрумдир. Оллоҳ яратган оламлардан у хабарсиз ҳолда пайдо этилган... Инсоннинг бу оламлардан хабардор бўлиши идроклар воситасида амалга ошади”.

Инсоннинг ўзини билиши, илм эгаллаши, Оллоҳ яратган оламлардан бохабарлиги биринчи навбатда аносири арбаъаани қандай даражада идрок айлаб, унинг сир-асрорини нечоғлик аниқ кашф эта билишига ҳам боғлиқдир.

Илмда ёритилишича, тўрт унсур назарияси дастлаб юнон файласуфлари томонидан ўртага ташланган. Ислом файласуфларидан айримлари уни кўллаб-қувватлашган бўлса, бошқа бирлари, масалан Ибн Сино янгича қараш ва фикр-мулоҳазалар билан бойитган. Аммо тасаввуф таълимоти ва адабиётида аносири арбаъага инсонни ичдан билиш, ботинан ўзгартиришнинг дахлсиз “майдони” сифатида қаралган.

Мадомики, инсон вужуди тўрт унсурдан яралган экан, уларга мувофиқ равишда унга тўрт руҳ ҳам берилган. Булар: руҳи наботий, руҳи жисмоний, руҳи ҳайвоний ва руҳи инсоний. Ёки нафсни олайлик. Маълумки, нафс мартабаларидан дастлаб Ҳаким Термизий сўз

юритиб, уларни нафси аммора, нафси мулҳама, нафси лаввома, нафси мутмаина дея номлаган.

Нафсининг бу мартабаларини кейинчалик сўфийлар аносири арбаъага қиёслашган. Чунончи: нафси аммора оловга, нафси лаввома шамолга, нафси мулҳама сувга, нафси мутмоина тупроққа ўхшатишган. Буларнинг ҳар бирига ўн хусусият нисбат берилган, бундай моддийлаштирув эса нафсни, демакки инсоннинг ўзлигини яқинроқдан англашга хизмат қилган.

Сўфий ва мутасаввифларнинг қаноати бўйига, нафс инсон шахсиятига тегишли, туйғу, тасаввур, майл ва ҳис аталмиш бошқа унсурлар бирлигидан яралган бир борлиқдир. Инсонларни бир-биридан ажратиш, узоқлаштирадиган нарсаси руҳ эмас, нафс ҳисобланади. Руҳ завқ-шавқидан маҳрум ҳар бир кимсанинг шахсини ҳеч шубҳасиз нафс вояга етказди. “Яъни инсоннинг кечмиши, тажрибалари, яхшилик ва ёмонликлари ҳамда бошқа барча ҳаракатлари нафсининг бағридан жой олиб, қиёмат кунда унинг ҳисоб берадиган жиҳати ҳам руҳи эмас, нафс томонидир”. Нафсининг чор унсурга алоқалантирилишининг ўзи ҳам, руҳи ва руҳоний ҳаёти учун одам фарзанди алоҳида масъулият сезиши, моддий мавжудликлар таъсирида қолиб ботинан ожизлик домига тушмаслигини талаб этади.

Шарқнинг қатор улуғ санъаткорлари сингари Навоий ҳам чинакам инсоний комилликни тўрт унсур таъсиридан фориғ бўла олишда кўради:

*Тўрт унсур қайдидин то чиқмагайсен, нафъ эмас,
Османий тўрт дафтарни тутайким ёд бил,*

Бошқа бир ғазалида эса шоир маънан ва руҳан фалакка кўтарилиб, самовий сайрни истасанг “бадан аносирининг чоргоҳи”ни четлатил дейди: “Бадан аносирининг чоргоҳин эт хирож Навоӣ, десанг айлай фалак сори оханг”. Чунки руҳнинг қанотини қайириб, уни доимий турғунликка маҳкум айлайдиган “чормих” ҳам аносирдир:

*Десанг фалакка чиқай, фоний ўл аносирдин,
Нединки, руҳингдадир чормих бу тўрттов.*

Умуман аносирдан фоний бўлиш мумкин? Унинг йўл-йўриғи қанақа? Ушбу нуқтаи назардан кимларнинг уриниш ёхуд тажрибаларини кўпчиликка ибрат сифатида кўрсатса бўлади? Бу саволларга чуқурроқ жавоб топишга киришишнинг ўзиёқ комил инсон мавзуидаги бизнинг фикр-қарашларимиз, ўртага ташланган гап-сўзларимиз анча ибтидоий, тўқилган ва шаблон “кашфиёт”лар эканини англашга кифоя қилади. Зеро, инсон “аносир” муаммосини етарли зайлда билиб, имкони етгани қадар уни ҳал этмаса, у ҳатто валилик мақомига одим ташлаганда ҳам ботинидаги чиркинлик, тубанлик ва ҳайвонийлик офатларидан қутулиб билмас экан. Бу ҳақда Имом Раббоний ёзадики, “валилик мақомида ҳам бадандаги унсурлар бузғунчилик ва инкорчилигини ҳеч ўзгартирмай, исёнкорликдан ҳам йироқлашмайди. Масалан, олов унсури ўзини нафси мутмаинага мансуб ҳисоблаб хайрли эканини иддао этади ва кибрланишдан тўхтамайди. Шунингдек, тупроқ унсурининг пастлиги сабабли вужуд қилажак ишидан пушаймонлик туймайди. Сен худди шу тарзда бошқа унсурларни ҳам қиёслаб ҳақиқатни англа!”

Эҳтимол шу боисдан ҳам Навоий аносири арбаъа мавзуига “Хамса” дostonларида ҳам атрофлича тўхталиб ўтади. “Ҳайрат ул-аброр”даги мана бу мисраларга диққат қилинг:

*Эйки вужудинг уйи хошок эрур,
Зор танинг худ бир овузч хок эрур.*

*Неча бу хошокка ўт урмогинг,
Неча бу туфроғни совурмогинг.*

*Урма ул ўтни хасу хошокинга,
Қуйма бу сувни бир ҳовуч хокинга.*

*Ҳосил анинг ўти ўту суйи ўт,
Ранги ўту ламъаи дилжўйи ўт.*

*Кимки бу тўрт ўт аро бўлғай асир,
Барқ гузаргоҳида ёнғай ҳарир.*

*Қайси бадан ичра бу тўрт ўт ёниб,
Тўрт аносир тафидан ўртаниб.*

*Йўқки бўлуб тўрт аносир адам
Ақлу ҳушу дин ила ислом ҳам.*

Жалолиддин Румийда шундай байт бор: “Хешро софи кун аз авсофи худ, То бибини зоти поки софи худ”. Яъни ўзингнинг поку соф зотингни кўрай десанг, хусусий сифатларингдан ўз борлигингни тозалагил, дейди шоир. Ҳеч шубҳасизки, бунда Румий аввало чор унсур ҳукмронлигини енгиб ўта билишни назарда тутган. Навоий эса “Лисон-ут-тайр” достонида буни “ўзни ўзлик қайдидан” холос этиш хуррияти ўлароқ характерлайди:

*Чун аносир меҳнатидан шод бўлуб,
Ҳам жиҳот итлоқидин озод бўлуб...*

*Ўзни ўзлик қайдидин айлаб холос,
Тоғиб ўздин ўзгаликка ихтисос.*

*Елу тугроғу ўту сувдин ориб,
Ҳам мену сен ҳам улу булдин ориб.*

*Боргоҳи қурб аро тоғиб мақом,
Майл этиб ондин яқинроқ ҳам хиром.*

*Айлабон чун рафъ етмиш минг ҳижоб,
Қолмай ўзга мониги онинг ҳижоб...*

Руҳ пок гавҳардан яратилгани учун унинг моҳияти ваҳдат – бирликдан иборат. Чор унсурдан яралган вужуднинг моҳиятини касрат – кўплик ташкил қилади. Руҳ билан бадан орасидаги бош зиддият мана шунда. Руҳ гарчи сув, тупроқ, қон ва суяк билан бирлашишни хоҳламасада, уларсиз яшай ҳам олмайди.

Ошиқнинг маъшуқи азал билан яқинлигига тўсиқ бўладиган пардалар тасаввуфда зулмоний ва нуроний дея иккига ажратилган. Зулмоний ҳижоб вужудда пайдо бўладиган моддий пардалардир. Нуроний ҳижоб руҳга тегишли. Зулмоний пардалар ўрнини нуроний ҳижоблар эгаллаши учун нафсининг аҳволи билан инсон жиддий қизиқиб, тама, риё, кибр, ҳасадга қарши ичдан жанг эълон қилиши лозим. Ана шунда вужуд ичида руҳ собитликдан эркин ҳаракатга, ундан сайрга ўтиб соҳибини кўпдан кўп ғаройиб ходиса ва ҳаёлий гўзалликларга ошно қилади. Шунда вужуднинг фарқли нарсаларни исташи, фарқли

нарсалардан юзага чиқадиган хусусиятларни бир жойга жамлаши тўхтаб, шахват шахватлик, хирс хирслик, ғазаб ғазаблик кучини йўқотади. Вужуддаги энг олий покланиш ва ўзгаришга Навоий пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафонинг меърождаги ҳолатларини намуна қилиб кўрсатади:

*Танидан тўрт гавҳар нақши бориб,
Бўйи олти жиҳот тўнин чиқориб...*

*Чиқориб ўзлиги туфроғидин гард,
Не ўзликким, ўзидин ҳам бўлуб фард...*

*Вужуди кўрмади жуз ҳақ вужуди,
Тузулди Ҳақ каломидин суруди.*

Башарий вужуднинг Ҳақ вужудига асир бўлиши инсоннинг чор унсурга тегишли барча суфлий хусусият ва моддий тузоқлардан қутилганлигини билдиради.

Маълумки, инсон моддий ва маънавий борлиқдан таркиб топган деган фикр ҳокимдир. Ҳақиқатда эса инсон уч турли мавжудлик: модда, нафс ва руҳдан бино бўлган. Чунки нафс ва руҳ бошқа-бошқа нарса бўлиб, бир эмас, икки ҳақиқатни тамсил этади. Қуръони каримда руҳ Оллоҳнинг бир тажаллиси ва амри сифатида зикр қилинган. Яъни руҳ хато этмаганидек, тўғрилиқдан ҳам йироқлашмайди. Аносири арбаъа сир-асрорини билиш, зарур зайлда идрок этмоқ учун эса “қуллик” мажбуриятини алоҳида илҳом билан бажариш.

Тилда шундай сўз, калима ва иборалар борки, уларни эшитиш, кўриш ёки ўқишданок кишида нохуш таассурот, салбий муносабат уйғонади. “Қул” – шундай сўзлардан. Бу калима асрлар мобайнида инсоннинг инсонга қарам ва тобелигини, кучсиз, ночорнинг эрк ва озодликдан маҳрумлигини кўрсатиб келган. Қуллик тарихи ва ғуломнинг толеи билан қизиққан Покистоннинг мутафаккир шоири Муҳаммад Иқбол “Паёми Машрик”да ёзади: “Идроксизлик туфайли инсон инсонга қул бўлди. Унинг бир жавҳари бор эди, уни Кайқубот ва Жамшидга қурбон қилди. Бу қулликнинг касофати уни итдан ҳам залил бир аҳволга солди. Зеро, мен ҳеч қачон бир итнинг бошқа бир ит қаршисида бош эгканини кўрмаганман”.

Дарҳақиқат, башарият тарихи ва ҳаётидаги энг қайғули, энг бахтсиз, энг қулфатли ҳодиса қулликдир. Қулда тобелик, ночорлик, кўр-кўрона садоқат, таҳлика ва кўрқувдан бошқа суянадиган “қувват” бўлмайди. Қуллик – одамдай яшаш идроки, гўзаллик завқи, тафаккур эркинлигидан маҳрум қолиш демак. Шунинг учун қул эмас, ҳур одам гўзал деган нарсалар гўзал, жозибали, руҳ ва кўнгилни яйратувчи бўлади. Шунинг учун қуллик ҳаёти, тобелик психологиясига қарши кураш адабиётда доимо бош вазифа, шарафли мажбурият бўлиб келган.

Одамнинг одамга қуллиги албатта ёмон. Аммо бундай қуллик фожиаси, сонсиз–саноксиз қулфат ва мусибатларидан қутилиш чораси дин ҳамда тасаввуфда убудият – Яратганга қуллик ҳолини камолга етказиш тарзида талқин этилган.

Маълумки, ҳур ва комил инсон бўлиш юксак бир орзу. Лекин бу орзуга етишмоқ беҳад оғир. Шу йўлдаги ҳар турли қийинчилик ва машаққатларни бартараф этмоқ учун эса тасаввуф аҳли кўпинча пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)га эргашиб, асосий тушунча ва тажрибаларни сарвари коинотдан ўрганишга ҳаракат қилишган. Пайғамбар ҳақида гапирилганда ул зотнинг аввало Оллоҳга қуллиги эътироф этилган. Зеро, комил инсон

хусусиятларига соҳиб бўлиш билан Оллоҳ Таоллога чинакам куллик ўртасида бир муқобиллик мавжуд. Акс ҳолда Оллоҳнинг расули “абдуху” дея куллик сифати билан танилишни хоҳламаган бўларди.

Машҳур мутасаввиф Мансур Халлождан “Номи Мустафо бўлган ул жавҳарнинг сирри нимадир?” деб сўрашганда у шундай деган: “Бутун коинот унинг ҳузурида таъзим ила сажда қилар экан, талқин қилган калимаи шаҳодатда “абдуху”, яъни Оллоҳнинг қулиман деди. Зеро, У ҳам одамдир ва ҳам Одамдан аввал вужудга келган бир жавҳардир. Бу жавҳар эса Ақли кулл эрур. “Абдуху” калимаси ҳам жон бағишлайди, ҳам жон олади... У бир коинотки, коинот ундан вужудга келган. Бизнинг ҳаммамиз ягона бир рангга бўянганмиз, унда эса на ранг, на ҳид бор, ҳеч ким “абдуху”нинг сирридан тўлиқ воқиф бўлолмайди”.

Бу куллик мақомига маърифатсиз, ирфоний таълим-тарбия ва ишқ изтиробидан йироқ равишда юксалиб бўлмайди. Оллоҳга куллик йўли – хошиятуллоҳ ва муҳаббатulloҳ – яратганнинг қаҳр-ғазабидан қўрқиш, ҳақиқий муҳаббат завқ-шавқи ила ёниб яшаш йўли. Муборак ва муқаддас бу тариққа сидқ ила, чин садоқат ила кирган қул султон даражасига кўтарилади. Сулаймон Боқирғоний шу ҳолни назарда тутиб “Санга қул бўлғоним султондин ортуқ”, деган.

Бундай куллик ҳоли инсон кўнглини нақадар орзиқтириб, ҳеч мсили кўрилмаган завққа чулғашини Мавлоно Жалолиддин Румийнинг мана бу сўзлардан тасаввур этса бўлади: “Мен қул бўлдим, қул бўлдим, қул бўлдим. Аммо лойиқ даражада қул бўлолмаганим учун бўйнимни эгдим... Ҳар қул, ҳар қарам кулликдан қутилгач суюнади. Мен эса кулликдан шодланаман. Сенга куллик кўнглимни ҳузур-ҳаловатга тўлдиради”. Ислоҳ Оллоҳ Таоллога кулликдан бошқа ҳар қандай кулликни қоралаб, таъқиқлагани боис Шарқ мутасаввиф ва мутафаккирлари инсон ўзлигини англаб, ҳеч вақт ҳаддидан ошмаслиги учун Қуръони Каримда таъкидланганидек “куллик”ни биринчи галда яратилиш ғояси (аз-Зурриёт, 51-56-оят) ўлароқ қабул айлашга чорлаганлар. Шу маънода Алишер Навоийнинг “Фавойид ул-кибор” достонидаги қуйидаги фикри алоҳида диққатга молик:

*Эй Навоий, сен чу қулсен, қуллугингни яхши бил,
Фикратинг раҳишига жавлон берма бу майдон аро.*

Муҳийддин ибн Арабийдан “Айрим одамлар нима учун ашёга ибодат қилишган? Баъзи бировлар эса нега улухият (шоҳийлик) даъвосини илгари суришган?” деб сўралганда у шундай жавоб қайтарган: “Инсон рубубият – илоҳийлик ва убудият – куллик сифатларини ўзида мужассамлаштиргани боис, айрим инсонлар ўзларида мавжуд рубубият қудратини ўзларининг шахсларига нисбат беришган ва ҳатто Фиръавнга ўхшаб “Мен сизнинг парвардигорингизман” дея даъво қилишган. Баъзилари эса худди шу қудрат сабабли нафсларини жиловлаш ва унинг ҳақиқий соҳиби бўлиш билан бирга Мансур Халлож каби “Аналҳақ” – “Мен – Ҳақман” деган”.

Албатта Фиръавннинг “мен” дейиши билан Мансур Халлож ёки “Субҳонимо аъзома шонӣ” – “Ўзимни тасбиҳ этурман, шоним на қадар юксалди”, деган Боязид Бистомий “мен”и орасида ниҳоятда катта фарқ бор. Гап шундаки, инсон убудият ҳолига берилганда ҳам меъёрни унутиб, чегара туйғусини унутмаслиги керак. Шу маънода Навоий “Насойим ул-муҳаббат”да Абулхусайн Нурийнинг “Убудият (куллик)нинг софлиги сени мағрур қилмасинки, унда рубубият (раббонийлик)ни унутиш бордир” деган сўзларига эътиборни қаратган. Одам бу икки ҳолатда адашмаслик ва чалғимаслик учун тўрт унсур – тўрт зид нуқтаи назаридан ўз “мен”ини ўрганиш ҳамда тасаввур айлашга уриниши керак. Бу эса кўнгилда куллик ҳолига иштиёқни кучайтирса кучайтирадики, сусайтирмайди.

Тасаввуф адабиётидаги “қул”, “қулик” “қулингдурман” деган ва эътирофлар нега юракка шавқ ва қувват олиб кириб, нечун руҳни яйратади? Алишер Навоийдай бутун борлиғи билан қулик ва қарамликка қарши эрксевар шоирнинг:

*Қулларга ўзумни ҳамдам этдим,
Қуликка белимни маҳкам этдим,*

дейишига сабаб нима? Бош сабаб шу: Ҳақ ва ҳақиқатга қулик инсонни ҳар қандай ахлоқий-маънавий хасталик ва ноқисликлардан қутқазганидек, одамларни ўзаро бирлаштириб, ҳар турли парокандалик, зиддиятбозликлардан ҳам қутқазади.